



АНЪАНАВИЙ ХОНАНДАЛИК ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИДА САҲНА МАДАНИЯТИ ВА ИЖРОЧИЛИК МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Бахтиёр Аманбаев

Абу Райҳон Беруний номидаги Урганч давлат университети катта
ўқитувчиси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17937626>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 06-dekabr 2025 yil
Ma'qullandi: 11-dekabr 2025 yil
Nashr qilindi: 15-dekabr 2025 yil

KEY WORDS

анъанавий хонандалик, саҳна
маданияти, ижрочилик
маҳорати, мусиқа таълими,
миллий анъаналар, овоз
техникаси, эстетик тарбия,
нафас машқлари, диапазон,
саҳнавий ҳаракат ва образ

ABSTRACT

Ушбу мақолада анъанавий хонандалик йўналишида таълим олаётган талабаларда саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари ёритилган. Мақолада саҳна маданиятининг хонанда шахси ва ижодий фаолиятидаги ўрни, ижрочилик маҳоратини ривожлантирувчи омиллар ҳамда устоз-шогирд анъанасининг аҳамияти таҳлил этилган. Шунингдек, талабаларнинг мусиқий тайёргарлиги ва эстетик дунёқарашини шакллантиришда миллий қадриятлар ҳамда замонавий таълим усулларининг уйғунлигига эътибор қаратилган

Анъанавий хонандалик — халқнинг маданий мероси, руҳий бойлиги ва миллий ўзига хослигини акс эттирувчи муҳим санъат туридир. Мусиқа санъати халқ маданиятининг ажралмас қисми бўлиб, у инсон қалби ва ҳис-туйғуларига бевосита таъсир кўрсатади. Анъанавий хонандалик йўналиши эса халқ мусиқасининг узвий давомчиси сифатида миллий қадриятларимизни асраш ва уларни келажак авлодга етказишда муҳим ўрин тутди. Бугунги кунда мусиқа таълими тизимида анъанавий хонандалик йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлашда нафақат овоз тайёргарлиги, балки саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини шакллантириш ҳам асосий вазифалардан бирига айланган. Чунки замонавий саҳна талаблари ижрочидан нафақат гўзал овоз, балки саҳнадаги муомала, ҳаракат, эстетик кўриниш ва томошабин билан мулоқот малакасини ҳам талаб этади. Замонавий санъат педагогикасида ушбу тушунчалар комплекс ёндашувни талаб қилади, чунки саҳна маданиятисиз ижодий маҳорат тўлиқ намоён бўлмайди.

Шу сабабли, бу йўналишда таълим олаётган талабаларда саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини шакллантириш, замонавий мусиқа таълими жараёнида устувор вазифалардан биридир.

Саҳна маданияти ва ижрочилик маҳорати санъаткор фаолиятининг асосий таркибий қисмларидан ҳисобланади. Ижрочининг саҳнадаги ўзини тутиши, нутқи, ҳаракати, образ ярата олиши ва томошабин билан мулоқотга кириша билиши унинг профессионал даражасини белгилайди. Шу боис, ҳар қандай хонанда, актёр, мусиқачи

ёки рақс ижрочиси учун саҳна маданиятини шакллантириш муҳим педагогик ва амалий жараёндир.

Саҳна маданияти — бу ижрочининг саҳнадаги умумий кўриниши, ўзини тутиши, чиройли ва эстетик меъёрларга мувофиқ ҳаракат қилиши, нутқи, кийиниши ва томошабин билан мулоқот қилиш маданиятини ифодалайди. Хонанда саҳнага чиққан лаҳзаданоқ унинг ҳаракатлари, нигоҳлари, ҳиссиёт ифодаси ва хатто сукут сақлаши ҳам санъатнинг бир қисми ҳисобланади. Шу боис анъанавий хонанда, саҳна маданиятини эгаллаши орқали ўз ижодини юксак даражада намоён эта олади. У талабада эстетик дунёқарашни, масъулият ҳиссини ва ижодий интизомни ривожлантиради.

Хонанда саҳнага чиққан пайтданоқ томошабиннинг диққат марказида бўлади. Шу сабабли у саҳнада тўғри туриш, табассум, ҳаракат ва нутқ маданиятини тўла эгаллаши зарур. Бу жараёнда талабаларни саҳнавий репетициялар, актёрлик машқлари ва орфоэпия бўйича амалий машғулотларга жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Талабаларда саҳна маданиятини шакллантириш жараёнида қуйидаги жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилмоғи зарур:

- саҳнада тўғри туриш ва ҳаракат қилиш малакаси;
- кийинишда миллий услубни сақлаш;
- томошабин билан маънавий боғланишни ҳис қилиш;
- нутқ маданияти ва орфоэпия қоидаларига риоя этиш.

Ижрочилик маҳоратини ривожлантириш омиллари

Ижрочилик маҳорати хонанданинг овоз имкониятлари, нафасни тўғри бошқариш, репертуар танлови ва мусиқий таълим даражасига боғлиқдир. Бу жараёнда устоз-шогирд анъанаси муҳим ўрин тутди. Талабалар анъанавий хонандалик услубларини ўзлаштириш билан бир қаторда, замонавий саҳна талабларига ҳам жавоб бериши лозим.

Ижрочилик маҳоратини оширишда қуйидагилар асосий омил бўлиб хизмат қилади:

1. Овоз техникасини такомиллаштириш – нафас машқлари, диапазон устидан ишлаш, тембрни бойитиш;
2. Репертуар билан ишлаш – ҳар бир куй ёки ашуланинг мазмунини англаб, уни ҳис билан ижро этиш;
3. Саҳна репетициялари – амалий машғулотлар орқали саҳнавий ҳаракат ва образ яратиш;
4. Психологик тайёргарлик – саҳна кўрқувини енгиш, ишонч билан чиқишни ўрганиш.

Саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини ўқитишда замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш самарали натижа беради. Видео таҳлиллар, онлайн ижро машғулотлари, саҳнавий тренинглар ва интерфаол усуллар талабаларда ижодий фаолликни оширади. Шу билан бирга, миллий куй ва ашулаларни ўргатиш жараёнида халқ анъаналарини сақлаш ва уларни замонавий шароитда бойитиш муҳим вазифадир.

Саҳна маданияти ва ижрочилик маҳорати тушунчалари ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб улар бир-бирини тўлдиради:

- Саҳна маданияти — ташқи жозиба ва саҳнавий интизом.
- Ижрочилик маҳорати — ички маъно, бадий ифодалилиқ.

Анъанавий хонандалик йўналиши талабалари учун саҳна маданияти ва ижрочилик маҳоратини шакллантириш нафақат касбий кўникма, балки маънавий етуклик белгисидир. Чунки саҳна маданиятига эга, юксак ижрочилик маҳоратини намоён эта олган хонанда халқ қалбида чуқур из қолдиради. Юксак саҳна маданиятига ва ижрочилик маҳоратига эга бўлган хонандалар орқали халқнинг маънавий мероси, миллий анъаналари ва эстетик руҳи келажак авлодга муносиб тарзда етказилади. Шу боис мусиқа таълими тизимида ушбу соҳаларни ривожлантириш, амалий машғулотлар ва илғор устозлар тажрибасини ўқув жараёнига жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Раҳимов С. Мусиқа таълими назарияси ва методикаси. — Тошкент: Фан, 2019.
- 2.Нуриддинов Ҳ. Анъанавий хонандалик санъати асослари. — Самарқанд: СамДУ нашриёти, 2020.
- 3.Турсунова Г. Саҳна маданияти ва нутқ санъати. — Тошкент: Мусиқа, 2021.
- 4.Алимжонов А. Ўзбек халқ мусиқаси анъаналари. — Тошкент: Академнашр, 2018

